



# Hurriyat

Mustaqil gazeta

2026-yil  
10-iyun  
chorshanba  
№ 23 (1501)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan \* www.uzhurriyat.uz \* @ hurriyatuz@mail.ru \* t.me/hurriyatuz \* Hurriyat gazetasi

## ИФТИХОР

Дунё тарихида буюк шахслардан бири Пеле: "Футбол — бу муҳаббат, эҳтирос ва қаттиқ меҳнат. Агар у сизни йиғлатмаса, демак, сиз уни тушунмабсиз", дейди. Зотан, Пеле футболни шунчаки жисмоний машқ эмас, балки инсоннинг кўзларига ёш келтирадиган ва қувонтиришга қодир бўлган тирик бир туйғу деб ҳисоблаган. Шу жиҳатдан айтиш жоизки, бу ўйин — халқларни бир жойда тўплаб, миллионлаб инсонларни муштарак мақсад атрофида ҳамнафас қиладиган беқиёс кучга эга. У одамлар қалбида эзгулик, меҳр-оқибат, фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотади. Айниқса, Ватанини чин дилдан севган, ўзи тугилиб ўсган муқаддас заминни тақдирга дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган инсон борки, футболни алоҳида қадрлайди. Чунки у ҳар бир ғалабада юрт шаъни ва мамлакат мартабасининг юксалишини кўради.

Ўзбекистон миллий терма жамоасининг жаҳон чемпионати финал босқичига чиққани халқимиз учун ана шундай унутилмас тарихий воқеага айланди. Бу ютуқ юртимизнинг барча ҳудудларида катта шодиёналик билан қарши олинди. Кексаю ёшнинг қалбида ғурур ва ифтихор туйғулари жўш урмоқда. Зотан, бу наинки футболчиларнинг, балки бутун халқимизнинг умумий ғалабаси сифатида қабул қилинди.

## ШУНИ БИЛИНГКИ, БИЗ ДОИМ СИЗЛАР БИЛАНМИЗ!

Президентимиз Шавкат Мирзиёев "Бунёдкор" стадионида футбол бўйича миллий терма жамоамизни жаҳон чемпионатида кузатиш маросимидagi нутқда шундай деган эди: "Сизларни олдинда Португалия, Колумбия, Конго терма жамоалари билан муҳим ўйинлар кутиб турибди. Катта куч-ғайрат, ишонч билан майдонга чиқинг! Шунинг билан, биз доим сизлар биланмиз!

Ҳақиқий ўзбекона жасорат, матонат ва ирдангиз билан чиroyли ва ишончли ўйин кўрсатиб, барчамизни хурсанд қиласиз деб ишонамиз".



# ЯШАСИН ЎЗБЕК ФУТБОЛИ!

лияти ва иқтидорли футболчилари кўпчилиги билан Хорватия жамоасига ўхшаб кетарди. 34 йиллик орузимиз амалга ошди... Бу биз учун фахр, ифтихор. Дуппимизни осмонга отсак, қанча қувонсак кам. Аммо пойдевори муштақам ўй узоқ яшагани каби бу ғалабалар асосини яратган Геннадий Красницкий, Тўлаган Исоқов, Биродар Абдураимов, Миржалол Қосимов ва бошқа жонқуяр футболчилар меҳнатини ҳам эътироф қилсак арзийди. Масалан, Геннадий Красницкий ҳақида гап кетганда, унинг Ўзбекистонда XX асрнинг энг яхши футболчиси деб топилгани муҳим аҳамиятга эга. Халқ хотирасида энг буюк футболчи сифатида сақланиб қолган Геннадий ОАВларда кўпам тилга олинмайди. Аммо уни аксарият мухлис-лар яхши билишади, қадрлашади. У фаолияти давомида "Пахтакор" учун чемпионатларда 322 ўйинда 142 гол муаллифига айлангани ўзбек футболда шундай нодир истеъодлар борлигини кўрсатмоқда.

## КРАСНИЦКИЙНИ ЭСЛАБ...

1956 йилда "Пахтакор" сафида илк учрашувини ўтказган Красницкий жамоанинг етакчисига айланди ва 1960 йилда собиқ Иттифоқ олий лигасига олиб чиқди. Ўша мавсумда "Пахтакор"нинг дастлабки ўнта голини фақат Красницкий урганди ва бутун мавсумда 19 тўп киритиб, олий лига бомбардирлари орасида иккинчи бўлди. Кейинги мавсумда ҳам у 20 та гол урди.

1997 йилда Москвада чиқарилган футбол энциклопедиясида у ҳақида куйидагилар ёзилган: "60-йиллардаги "Пахтакор"нинг етакчи ҳужумчиси. Ўз даврининг энг серқирра футболчиларидан бири. Жисмонан бақувват бу футболчи ўзининг қатъияти ва тўп учун курашувчанлиги билан ажралиб турган. Фаолиятининг дастлабки йилларида ўзининг тезлиги, кучли зарбаси билан муваффақият қозонган бўлса, кейинчалик тактик томондан ҳам салоҳиятини намойиш эта олди. Жарима зарбалари устаси".

3-6

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 35 ЙИЛЛИГИГА



# УЙҒОНИШ ҚЎНҒИРОҒИ

(Манзума)

Азизлар, Тошкентда Ўзбекистондаги Исломи цивилизацияси марказининг бунёд этилиши сиз каби менинг ҳам юрагимни жуда тўлқинлантирган эди. Буюк цивилизациялар туташган маскан улуг аждодларимиз ақл-заковатининг, сарҳадсиз тафаккурининг беназир намойиши ўлароқ қалбимни фахр-ифтихор туйғуларига чулғанган. Бу ҳаяжон мени ҳали ҳам тарқ этгани йўқ. Ҳамон унинг таъсиридаман. Жуда улкан маънавий қудратга, маърифий кучга эга бу маскан

биздан кейинги авлодларга ҳали неча юз минг йиллар хизмат қилишини, уларга ўзликдан сабоқ беришини ўйлаб, энтикаман. Илоҳим, бунёдкор юртимизга кўз тегмасин! Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб юксалиш йўлида меҳнат қиладиган азиз халқимиз омон бўлсин!

Сайёра САМАНДАР,  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси,  
"Шухрат" медали соҳибаси.

## 1. ТАФАККУР УЙҒОНСА, УЙҒОНАР ОДАМ!

Виқор тўкиб турар мушташ бино,  
Мовий гумбазидан узиб бўлмас кўз.  
Рангин нақшлари кошинлар аро  
Буюк тамаддуддан мозий очар сўз.

Остона ҳатладим аста. Сукунат.  
Ҳайрат гирдобига қолдим дафъатан.  
Маърифат чирогин ёғдуларида  
Ўзимни топгандек бўлдим қайтадан.

Бир садо таралар деворлар узра,  
Борлиқни титратиб янграб кўнғироқ.  
Атрофни чулғайди гулгун бир шуъла,  
Вужудим қамрайди ажиб бир титроқ.

Бу не макон ўзи? Бу не ошиён?  
Жисмим ичра эниб боради қувват.  
Бу не башоратдур? Бу не каромат?  
Бунда жо қандайн илоҳий қудрат?

8-6

## УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

### ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИДА ЯНГИ РАҲБАР ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент шаҳар бўлимининг умумий йиғилиши пойтахт медиа ҳаётида муҳим воқеа сифатида қайд этилди. Унда оммавий ахборот воситалари вакиллари, тажрибали журналистлар ҳамда жамоатчилик фаоллари иштирок этиб, ҳудудий бўлимининг 2021-2025 йиллардаги фаолияти атрофида сарҳисоб қилинди ҳамда келгуси беш йиллик ривожланиш истиқболлари юзасидан кенг муҳокама олиб борилди.




Йиғилишда сўнги йилларда бўлим томонидан журналистларни қўллаб-қувватлаш, ёш кадрларни тайёрлаш, уларнинг касбий салоҳиятини ошириш ҳамда медиа соҳасини замонавий талаблар асосида ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот тингланди. Таъкидланганидек, пойтахт журналистикаси бугунги кунда янгиланиш жараёнини бошдан кечирмоқда ва бу жараён изчил давом эттирилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент шаҳар бўлими назорат-тафтиш комиссиясининг бўлим молиявий-ҳужалик фаолияти бўйича ҳисоботи тингланди. Бу бўлим фаолиятида шаффофлик ва ҳисобдорлик тамойиллари муштақамланиб бораётганидан далолат. Шундан сўн кун тартибидagi асосий масалалардан бири бўлим Бошқарувининг янгиланган таркибини тасдиқлаш бўлди. Йиғилишда 2026-2030 йилларга мўлжалланган "Йўл харитаси" қабул қилиниб, келгуси давр учун устувор вазифалар ва ривожланиш йўналишлари белгилаб олинди. Шунингдек, Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг навбатдаги конференциясига Уюшма Тошкент шаҳар бўлиmidан делегатлар сайланди.

Йиғилишда ташкилий масала ҳам муҳокама қилинди. Пойтахт Журналистлар уюшмаси раиси вазифасида ишлаб келган Хусан Эрматов ўз хоҳишига кўра ушбу вазифани топширган эди. Бугунги кунда "Ўзбекистон 24" радиоканали бош муҳаррири вазифасида ишлаб келаётган Худойназар Дўстқобиловнинг номзоди шаҳар бўлими раҳбарлигига тавсия этилди.

2-6

## АЧЧИҚТОШ



ГАЗЕТА  
ЎҚИМАСЛИКНИНГ  
ЗАРАРИ

Ҳа, шундай. Бугун замон ўзгариб, технологиялар ривожланса-да, инсоннинг ишончли маълумотга, янгилликка бўлган эҳтиёжи ҳеч қачон йўқолмайди. Ахборот олишининг энг қадимий ва фойдали манбаларидан бири бўлган газета ва журналлар эса, замоналар қанчалик эврилса-да, ўз аҳамиятини йўқотмас керак.

Тўғри, бугун ёшларнинг аксарияти, ҳатто ёши катталар ҳам газета ўқиш одатидан тобора йироқлашиб бормоқда. "Газета-журнал нимага керак? Ҳамма янгилик телефонда бор-ку. Ҳозир ким обуна бўлади?" деган гапни эшитиш одатий ҳол. Тўғри, замонавий технологиялар мисли кўрилмаган даражада ривожланган даврда яшап-миз. Ҳатто телевизор кўрмайдиганлар ҳам кам эмас.

Лекин бу аҳвол бир қатор салбий оқибатларни юзага келтираётганини наҳотки кўрмаётган бўлсак?! Албатта, замонавий технологиялар керак. Жуда керак телефон ҳам, интернет ҳам. Бироқ бу дегани маънавийдан, маънавий шам-чироқ воситаларидан воз кечса ҳам бўлаверадигани эмас-ку!

4-6

# ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИДА ЯНГИ РАҲБАР ИШ БОШЛАДИ

1-6

Йиғилиш қатнашчиларининг берган овозига кўра, у Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент шаҳар бўлими раиси этиб сайланди.

Йиғилишда Қобилбек Каримбеков, Комилжон Каримжонов, Хусан Эрматов, Дилфуза Шомаликова, Хусниддин Эргашев сингари устоз журналистлар сўзга чиқишди. Улар бугунги матбуот ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада жонлантириш, пойтахт журналистикасига оид айрим муаммоларни, соҳада узоқ йиллардан буён меҳнат қилиб келаётган фидойи қаламкашларнинг ибратли тажрибали хусусида фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Тадбир якунида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Ш.Орипов пойтахт журналистикаси олдида турган долзарб вазифалар, айниқса, ёш ижодкорларни янада қўллаб-қувватлаш, медиа соҳасида олиб борилаётган ислохотларни юқори босқичга олиб чиқиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Мазкур йиғилишда пойтахт журналистлари учун янги босқич, янги ёндашув ва янада юқори масъулият даври бошланишига умид билдирилди.

# АНДИЖОНДА МЕДИАҲАФТАЛИК ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган медиаҳафталикнинг навбатдаги манзили Андижон вилояти бўлди. Беш кун давом этган ўқув ва амалий машғулотлар медиафорум билан якунланди. Унда иштирокчилар сунъий интеллект технологияларининг медиа ва PR соҳасидаги имкониятлари билан яқиндан танишдилар.



Мутахассислар томонидан сунъий интеллект ёрдамида видео ва дизайн яратиш, матн ёзиш, гоёлар ишлаб чиқиш, фэйк ахборотларни аниқлаш, чат-ботлар яратиш ҳамда ахборотни тайёрлашда креатив ечимлар ишлаб чиқишга бағишланган маҳорат дарслари ўтказилди.

Форум доирасида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан медиа соҳасини ривожлантиришга қаратилган янги лойиҳалар ва истиқболли ташаббуслар ҳам тақдим этилди. Тадбир якунида фаол иштирокчиларга сертификатлар топширилди.

Таъкидланганидек, медиаҳафталик нафақат янги билим ва кўникмалар мактаби, балки медиа вакиллари ўртасида тажриба алмашиш ва ҳамкорликни мустақамлаш майдонида айланди.

# ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасида Ўзбек-Турк медиафорумида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Глобал Журналистлар Кенгаши (ГЖК – Kuresel Gazeteciler Konseyi) делегацияси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.



Мулоқот чоғида меҳмонларга Ўзбекистонда медиа соҳасини ривожлантириш, журналистлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда бу жараёнларда Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг ўрни ҳақида маълумот берилди. Учрашувда ГЖК президенти Меҳмет Али Дим, ГЖК фахрий асосчиси Явуз Донат ҳамда ГЖК Хорижий Медиа Кенгаши президенти ва Озарбайжон Журналистлар уюшмаси вице-президенти Элшад Эйвазли мамлакатимизда журналистлар учун яратилаётган имкониятларни юқори баҳолаб, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиш билдирди.

Маълумки, Глобал Журналистлар Кенгаши дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатда фаолият юритаётган йирик халқаро медиа тузилмалардан бири ҳисобланади.

# ВИЛОЯТ БЎЛИМЛАРИДА УМУМИЙ ЙИҒИЛИШЛАР ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси тизимида ҳудудий мулоқотлар ва умумий йиғилишлар давом этмоқда. Андижон вилоятида Уюшма раҳбарияти иштирокида журналистлар, соҳа фахрийлари ва ёш ижодкорлар билан очиқ мулоқот ташкил этилди. Учрашувда Уюшма олдида турган долзарб вазифалар, янги ташаббуслар ҳамда медиа соҳасидаги муҳим йўналишлар юзасидан фикр алмашилди.



Мулоқот давомида "Ўзбекистон журналистларининг ахлоқ-одоб кодекси" лойиҳаси ҳамда Уюшма қошида Этика комиссиясини ташкил этиш ташаббуси муҳокама қилинди. Яқинда вилоятда журналистларни қўллаб-қувватлаш, касбий маҳоратни ошириш ва тахрирлар фаолиятини замонавий медиа талабларига мослаштириш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ҳудудий бўлиmlарининг умумий йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда 2021-2025 йиллар давомида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, келгусидаги устувор йўналишлар муҳокама этилди. Йиғилишларда бўлиmlарнинг бошқарув органлари ва тафтиш комиссияси аъзолари, шунингдек, Уюшманинг бўлажак республика конференциясига делегатлар сайланди. Қабул қилинган қарорларга мувофиқ, Сирдарё вилояти бўлими раиси вазифасини бажарувчи этиб Дилором Исмадиёрова, Жиззах вилояти бўлими раиси вазифасини бажарувчи этиб эса Абдуҷалол Абдуражабович Қаюмов тайинланди.

Шу каби учрашув ва йиғилишлар ҳудудларда журналистика ривожини қўллаб-қувватлаш, соҳа вакилларининг касбий салоҳиятини ошириш ҳамда уюшма фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси  
Ахборот хизмати.

## ҲАМКОРЛИК

# МАҚСАД – ИХТИСОСЛАШГАН СУД ЖУРНАЛИСТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШГА КЎМАКЛАШИШ

курс битирувчиларига сертификатлар топширилди

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Одиl судлов академиясида Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган "Суд журналистикаси" махсус ўқув курсини тамомлаган тингловчилар – Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг 30 нафар талабасига тегишли сертификатлар топширилди.



Жорий йилнинг 6 апрелидан 25 майгача қадар давом этган мазкур медиаойиҳадан кўзланган асосий мақсад – мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тўлақонли еткази олидан, суд органлари фаолияти тўғрисида ҳолис ва ҳаққоний ахборотларни тайёрлайдиган бўлажак суд журналистларини тайёрлашга кўмаклашишдан иборат.

Курс давомида асосий эътибор, бўлажак суд журналистларидан суд тизими тўғрисида билим ва тушунчаларни шакллантириш, суд жараёнларини ҳолис, қонуний ва профессионал асосда ёритиш кўникмаларини ривожлантириш ҳамда суд ҳокимиятининг очикилиги ва шаффофлигини таъминлашга қаратилди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси Холмўмин Ёдгоров очиб, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш ва унинг шаффофлигини оширишда профессионал суд журналистикасининг ўрни бекиёс эканини алоҳида таъкидлади ва кўйидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди:

"Бугун миллий медиамайдонда суд-ҳуқуқ тизимини шунчаки қузатувчи эмас, балки профессионал даражада таҳлил қила оладиган, вазиятга ҳуқуқносноғи нигоҳи билан қарай оладиган ҳолис журналистларга эҳтиёж бор. Айтиш мумкин бўлса, дастлабки эксперимент тарзида ташкил этилган ушбу лойиҳа – келажакда суд журналистикаси соҳасида фаолият юритадиган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни шу соҳага йўналтиришга хизмат қилади. Биз суд органлари фаолиятини ёритишга ҳолисликни таъминлайдиган ихтисослашган кадрлар захирасини шакллантиришни мақсад қилганимиз".

Шундан сўнг, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси

раиси в.б. Шўҳрат Орипов сўзга чиқиб, ушбу ўқув курси бўлажак журналистлар учун ҳақиқий маҳорат ва дунёқараш мактаби бўлганини эътироф этди. У ўз сўзида ҳуқуқий мавзуларни ёритишда ОАВ вакилларининг масъулияти, этика стандартлари ва ахборот хафсизлиги масалаларига тўқналиб, Судьялар олий кенгашининг ушбу ташаббуси журналистлар ҳамжамияти томонидан юқори баҳолашганини қайд этди.

Икки ойлик ўқув дастури янгича ёндашув – дуал таълим тамойили асосида ташкил этилди. Курс доирасида жами 30 соатлик машғулотлар ўтказилиб, уларнинг 22 соати назарий, 8 соати эса бевосита амалий машғулотлардан иборат бўлди.

Назарий босқичда: тингловчилар суд ҳокимиятининг конституциявий асослари, суд тизимининг ташкилий-ҳуқуқий тузилиши, суд қарорларини шарҳлаш маданияти ҳамда медиакоммуникациянинг ҳуқуқий ва этик стандартлари бўйича билим ва кўникмалар олишди.

Амалий босқичда: суд биноларида бўлиб, очиқ суд мажлисларини бевосита кузатдилар. Судьялар ва суд аппарати ходимларининг иш жараёни билан

яқиндан танишиб, назарий билимларини амалиётда мустақамладилар.

Машғулотларга журналистика соҳасида катта тажрибага эга мутахассислар, ҳуқуқшунос олимлар, Одиl судлов академияси профессор-ўқитувчилари ҳамда кўп йиллик тажрибага эга бўлган амалиётчи судьялар жалб этилди. Дарслар интерактив шаклда, қизгин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди.

Тадбирда курс битирувчиларининг фикр-мулоҳазалари ва тақлифлари ҳам тингланди. Шунингдек, ўқув курси доирасида тингловчиларнинг ижодий салоҳияти ва олган билимларини баҳолаш мақсадида ташкил этилган очерклар танлови ғолиблари ҳам тантанали равишда тақдирланди.

Рашидова Нуржаҳонбегим (1-ўрин соҳиби):

— Ушбу ўқув курси биз, бўлажак журналистлар учун чинакам маҳорат мактаби бўлди. Икки ой давомида суд-ҳуқуқ соҳасига оид жуда кўп керакли ва фундаментал маълумотларни ўргандик, илмларимизга мураккаб туолган ҳуқуқий атамалар ва айниқса суд процессларининг моҳиятини чуқур англаб етдик. Назарий билимларни бевосита суд биноларида, реал суд мажлисларини кузатган ҳолда амалиёт билан мустақамлаганимиз бизга катта тажриба берди. Мана шундай шароит ва имкониятни яратиш берган Судьялар олий кенгаши раҳбариятига ва барча устозларимизга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Олган билимларимиз келгусида тизимни ҳолис ва профессионал ёритишимизга хизмат қилади, деб ишонч билдираман.

Чориев Азизбек (2-ўрин соҳиби):

— Суд журналистикаси курси бизнинг касбий дунёқарашимизни бутунлай ўзгартирди, десам, муболага бўлмайди. Машғулотлар давомида соҳанинг энг етакчи экспертларини ва кўп йиллик тажрибага эга судьялар билан бевосита мулоқотда бўлиб, суд органлари фаолияти юзасидан фактларга асосланган ахборот тайёрлаш ва суд қарорларини шарҳлаш маданиятини ўзлаштирдик.

Тантанали тадбир якунида ўқув дастури муваффақиятли тамомлаган тингловчиларга Судьялар олий кенгаши раҳбарияти ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан махсус сертификатлар ва эсдалик совғалари топширилди.

Арслон ЭШМУРОДОВ.

## МУЖДА

# Тошдан қоғоз ишлаб чиқарилмоқда



Мустақиллик йилларида Фарғона вилоятида кўпдан-кўп тадбиркорлик субъектлари пайдо бўлди. Шулардан бири Фарғона шаҳрида самарали фаолият кўрсатаётган "Сайқал" хусусий корхонасидир. Ушбу корхона кўп тармоқли, инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Мазкур тадбиркорлик субъектига тажрибали ва ташаббускор тадбиркор Абдураҳмон Ниёзов раҳбарлик қилиб келади. Бугунги кунда корхонада ногиронлар аравачалари, ногиронлиги бор фуқароларга турли мосламалар, ўт ўчириш қуқунлари, бетон тўшамалар, қамиш ўриш ускунаси, кам айланшли электрогенератор, ақлли сув дарвозаси каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, корхона Президентимиз фармонларини бажариш юзасидан бугунги кунда ариқ ва каналларни осон бетонлаштириш учун "Фарбетон" тўшамасини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Аҳамиятлиси, ушбу ўрама бетонни ўрнатиш тез ва осонлиги билан ажралиб туради. Шу вақтга қадар 36,5



минг квадрат метр ўрама бетон экспорт қилишга эришилди ва давом этмоқда. Аҳоли фаровонлигини ошириш, яшаш шароитларини янада яхшилаш ва кўшимча иш ўринларини яратиш ботида мазкур корхонада ибратли ва хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда "Сайқал" корхонасида 100 нафардан зиёд аҳоли учун иш ўринлари яратилди, ишлаб чиқариш сифати янада ошмоқда. Корхонада кунига 100-150 тона ногиронлар аравачаси, аналог эшитиш аппаратлари, болалар велосипедлари,

кўчма лаборатория жиҳозлари, турли кўринишдаги ҳасалар, таянч ва ҳаракатланаш воситалари, ортопедик маҳсулотлар, ходунок ва реабилитация воситалари — шу каби жами 30 дан ортиқ маҳсулот турлари ишлаб чиқарилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу каби маҳсулотлар шу кунга қадар кўплаб хорижий давлатларда ишлаб чиқарилади, ammo уларни харид қилиш учун ортиқча маблағ ва харажатлар талаб этиларди. Бугун эса ана шундай маҳсулотлар ўзимизда, Фарғона шаҳрида ишлаб чиқарилаётганини қувонарли. Хусусан, бу ерда ишлаб чиқарилаётган "Трансформер" таянч ҳаракати мосламаси сўзимиз исботи. У бир жойда ётиб қолган беморларнинг секин-аста ҳаракатланиб, юриш учун бўлган истак ва орузсини рўёбга чиқаришда ёрдам берадиган мослама.

Олиб борилаётган шу каби ишлар салмоғи йилдан-йилга ошаётгани янада қувонарли, албатта. Рақамларга мурожаат қилсак, ўтган йили 27,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий 2026 йилнинг шу даврига қадар 7,8 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб берилган.


— Мен 9 йилдан буён ушбу корхонада тикувчи бўлиб ишлайман, — деди корхона ишчиларидан бири Барчиной

Жумаева. — 3 нафар фарзандим бор. Мен ҳам бахтли она, ҳам жамятда ўз ўрнига эга аёлман. Корхонада барча шароитлар яратилган: юқори маош, салкин ва шинам хоналар. Биз ногиронлик аравачалари учун ўриндиқлар, юмшоқ тўшақлар ва шу каби бююмларни тикиб, етказиб берамиз. Энг муҳими, жамоамиз аҳил.

Корхонада маҳсулот тури ошгани сайин, иқтисодий кўрсаткичлар ва самардорлик янада яхшиланмоқда. Эътиборлиси, эндиликда бу ерда тошдан қоғоз ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Қайд этиш лозимки, 2025 йилда 121 тонна, яъни 1,73 миллиард сўмлик қоғоз ишлаб чиқарилган бўлса, бундан 108 тоннаси, яъни 1,54 миллиард сўмлик маҳсулот экспортга йўналтирилган. Жорий 2026 йилда эса жами 61 тонна, яъни 826 миллион сўм қийматдаги қоғоз ишлаб чиқарилган бўлиб, шулардан 59 тоннаси экспортга йўналтирилган. 2 тонна маҳсулот ички бозорга сотилган. Асосан, Россия, Туркия ва Болгария каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

Тошдан қоғоз ишлаб чиқаришнинг атроф-олам, инсониятга бўлган фойдаларини кўплаб келтириш мумкин. Унинг асосий афзаллиқлари дарахларни сақлаш, сув сарфини камайтириш, ва кимёвий моддалардан фойдаланиш бир неча баробарга камаяди. Энг катта фойдаларидан бири — анъанавий қоғозга бўлган талабнинг бир қисмини экологик жиҳатдан самарали усул билан қоплаш имкониятидир. Бир сўз билан айтганда, тошдан қоғоз ишлаб чиқариш ҳақида экология, ҳам инсоният учун катта фойда ва натижалари борлигини таъкидлаш жоиз.

Фотима МАНСУРОВА.







**ХАМКАСБ**

# МЕХНАТДАН БАХТ ТОПГАН ИНСОН

ёки тажрибали тележурналист Муҳаммадҷон МАҚСУДОВнинг ибратли ҳаёт йўли ҳақида

**Иймон-этиқодли киши ёмонликнинг ҳар қандай кўринишларидан ҳазар қилади. Ундан қўлини ҳам, тили ва дилини ҳам узоқ тутати. Бундай кишилар Яратган олдидан ўзларининг инсонийлик бурчларини ҳолисона ва тўла-тўқис бажарадилар.**

Кўнглим тубида ва тилимда номларини доимо эъзозлаб, ўз касб-корига сидқидилдан ишлаб, эл эътибори ва ҳурматини қозониб келаётган, саховатли меҳнатлари туфайли давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлаётган ана шундай сафдош ва касбдош укаларимнинг сараси ҳақида сўз юритиш каминанга фахр, ғурур, мамнуният ва хузур бағишлайди.



Ўтган асрнинг олтинчи йиллари иккинчи ярми. Ўша йиллари Ўзтепердиокомитет тизимида Тошкент шаҳри ва вилояти аҳолиси учун эшиттиришлар бош тахририятини ташкил этиш ва уни бошқариш вазифаси каминанинг зиммасига юклатилди (кейинчалик бу тахририят "Тошкент телерадиоканали"га айлантирилди. Афсуски, "Ўзбекистон-24" телерадиоканали ташкил этилиши билан бу тахририят ис-сиз йўқолди. Хайрияти, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 18 ноябрдаги қарорига биноан, Тошкент вилояти телерадиоканали — "Nurafshon TV" ташкил этилди).

"Тошкент" тахририяти ишларини пухта ташкил қилиб, эшиттиришларимиз тинглочлар эътирофига сазовор бўлишига эришган чоғимизда каминанин собиқ "Саноат" тахририяти бўлимига бошлиқ этиб тайинланди. Бу тахририятда ҳам қатор ташкилий ишларни олиб боришга тўғри келди. Бўлим "Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа ходимлари учун эшиттиришлар Бош тахририяти"га айлантирилди. Олтинчи ва саксончи йиллар ораллигида республикамизда улкан санаот корхоналари, сув ombорлари, Қарши, Сурхон, Жиззах ва Сирдарё чўлларини ўзлаштириш, каналлар қурилиши авж олдирилиб, "Зарбдор қурилишлар" номини олган эди. Бунинг учун тахририят ишларини кенгайтириш устида ҳам иш олиб борилди. "ЎЗБЕКИСТОН ИШЧИСИ" ҳамда "ЎЗБЕКИСТАН ИНДУСТРИАЛЬНЫЙ" дастурлари ташкил этилди. Бу радиожурналистик тез кунда машҳурликка эришди. Баъзи кунлари тўғридан-тўғри эфирга узатилади. Эшиттиришларда Меҳнат Қаҳрамонлари, ёзувчи ва шoirлар, санъаткорлар бевосита иштирок этишарди. Натажа яхши, эшиттиришларимиз радио тизимида ўз ўрнини топди, қизиқишлар кучайди. Ҳатто ён кўшни республикалардан ҳаммасларимиз келишиб, тажрибаларимизни ўрганиб кетган кунлар ҳам бўлди. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетининг талабалари амалиётларини ўтказадиган масканга айланди. Тахририятимизда ишлаш истагини билдирувчилар ҳам кўпайиб қолди.

Бунинг яна бир сабаби, тахририятимизда кўпни кўрган тажрибали журналистлар ишлашарди. Абдуқарим Абдуазимов, Музаффар Саидов, Борис Итъкин, Стелла Сливкина, оловқаб ёшлардан Комилжон Каримжонов, Мухтор Муротов ва бошқалар талаба-ёшларга ўз тажрибаларини ўргатар эдилар. Эшиттиришларимизда элга танилган фанатист ёзувчи Ҳожиакбар Шайхов, таниқли журналистлар бўлиб етишган Муҳаммадҷон Обидов, Ҳабидулла Олимпонзо, Суннат Сайдуллоев, Ўзбекистон халқ артистлари Шерали Жўраев, Ғулмолжон Ёқубов, Нуриддин Ҳайдаров, Жўраҳон Раҳимов ва бошқалар ўзларининг мақола ва лавҳалари, ишчиларни руҳланттирувчи кўшиқлари, табриклири билан қатнашганлар.

1974 йилнинг ёз ойлари эди. Раҳбаримиз Расул ака Раҳмонов, ёзувчи Норматовлар билан пойтахтимиздаги Олой дехқон бозорига бориб, узумқўрлик, анжирхўрлигини одатга айлантирган эдик. Тушлиқдан биргалашиб қайтиб, эндигина хонага кирган эдим, хизмат телефонини жинглиб қолди.

— Абдусамад, тушлиқни ҳазм қилиш керак, хонамга тушсангиз, — деб қолди раҳбар телефонда.

"Хўп бўлади", дедим-да, оёқни қўлга олиб, иккинчи қаватга югуриб тушдим. Раҳбар хонасида жуссаси кичикроқ, қора кош, қора кўз, бугдойранг, қотмадан келган йилгити билан суҳбатлашиб ўтирибди. Хонага киришним биланқоқ меҳмон йилгит ўрнидан даст турди-да, салом берди.

— Бу йилгит ўзимизнинг дорилфунунда ўқиб, журналист бўлмоқчи эканлар, — дея мамнун сўз бошлади раҳбар. — Бизни кутиб турган экан укаимиз. Сўзбача киришдики. Мана бу умумий дастурда ёзган машқларига сўз югуртирдим, дуруст. Кексаларимиз айтишадик-ку, "боқса одам бўлади", деб. Сизга ўхшаганлар ўз бағрига олса, радио яна бир билан кадрга эга бўлади.

Расул Раҳмоновчи яна бир қатор ҳазиломуз гапларни айтиб, "кадр" тақдирини каминанга юклади. Биз етаклашиб тахририят томон кўтарилдик. Йўл-йўлакай савол-жавоб давом этди.

- Ука, асли қаердансиз?
- Намангандан, Янгичўрон туманининг Бекобод қишлоғидан.
- Оқо, ўзимизнинг жаннатдорлик вояиданман, денг. Бог-роғлар, гўзал маскандан экансиз. Исмингизни ҳам сўрамабман.
- Муҳаммадҷон Мақсудов. Кундузига балл етмай қолди, кечки бўлимга олишди, — хомуш тилга олди у.
- Ўқинманг, мен ҳам ишлаб ўқинман, тезда иш ўрганасиз. Лекин ишни газеталардан бошласангиз, ўзингизга кўпроқ фойдали бўлади. Чунки газета журналистни ёзув-чизувада, айниқса, тахрир соҳасида харқлайди. Каминанга ҳам "Ўзбекистон овози" (аввалги "Совет Ўзбекистони"), "Тошкент ҳақиқати" сингари газета тахририятларида дастурчиллик қилганман. Лекин болаликдан радионинг оҳанрабоиси ошуватлиним шу дароғда бошлаб келган, — дедим.
- Менинг ҳам мақсадим радиожурналист бўлиш.
- Ниятингизга етинг, ука, радионинг катта қозонида қайнаб, тоб-лангил...

Сўхбатимиз тахририятда ҳам давом этди, эринмасдан ходимлар билан таништириб, йўл-йўлакай умумий дастур саҳифаларига кўз югуртириб қидим. Студия ва монтажхоналарда овоз ёзиш, монтаж қилиш жараёнлари билан танишчак: "Ишани мана шу студиялардан бошлашга ёрдам беринг", — деб қолди.

— Бу гапингиз ҳам маъқул. Хўжатларни тайёрлаб, раҳбарлар билан маслаҳатлашамиз. Радио уйда иш ўрни топамаз. Ҳам шу ерда ишлаб, тахририятимизда ҳамкорлик қилаверасиз, — деб ишга киришдик.

1974 йилнинг август ойида Муҳаммадҷон Мақсудовнинг меҳнат фаолиятида дастлабки саҳифа бошланди. Ўзбекистон радиосига оператор қилиб ишга олинди. Камгап, камтарин, меҳнаткаш бу йилгит касбига меҳр қўйиб ишлаш, қаққонлиги туфайли жамоада ҳурмат қозониб ҳамда энг яхши мутахассислардан бирига айланди. Шу билан бирга, овоз ёзиш аппаратини ишлаштиши миридан-сиригача пухта ўрганиб, бизнинг топшириқларимиз билан жойлардан сўхбатлар, интервьюлар уюштира бошлади. Ўз навбатида тахририят ходимлари ҳам ўз ёрдамларини аяматдилар.

Узоқни кўзлаб иш тутувчи укаимиз ўқишни ҳам амалиёт билан бирга олиб борди. Диплом олиш вақти хали борлигига қарамай, Ўзбекистон радиоси тизимида яқиндагина ташкил этилган "Машъал" (ҳозирги "Маҳалла" канали) радиостанциясига кичик муҳаррир қилиб ўтказилди. Металл қуйиш цехлари сингари эшиттиришлар оқими тўхтовсиз давом этадиган бу жамоадаги дастлабки ҳаракатлари, яшаш шароити ҳам эътиборимизда бўлди, ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланди.

Ёзув-чизувлар эндигина йўлга қўйилган кезларда Муҳаммадҷон ҳарбий хизматда чақирилди. Дастлаб Туркманistonдан чўлу биёнларидан ҳарбий қисмда чиқдик. Армиянинг темир интизомида тобланди. Ўзининг худки, хизматда садоқати, ишчанлиги ҳамда қобилиятилиги билан қўмондонликнинг назарига тушди. Кўп ўтмай

қилиб, уни бағримга босдим.

..Ҳа, Аллоҳ истагимизга кўра унинг омадини бера бошлади. Гуллар юртига қайтиши биланоқ "Наманган ҳақиқати" вилоят газетасининг "Тарғибот" бўлимига мудири этиб ишга қабул қилинди. Уч йил ичида газетачиликнинг ҳам мақомини эгаллади, замон талабига мос мақолалари билан кўзга кўринди.

Мана ўттиз йилдан ошдик, шу лавозимда ишлаб, телерадионинг моддий-техникасини мустаҳкамлаб, ажойиб ижодкор жамоани шакллантирди. Қумирлаган қир ошар, деганларидай, 1984 йили Наманганнинг сўлим Янгирок бўйида қуриб битказилган вояида ягона "Радио уйи" қайта таъмирланди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан вилоят телерадиоканали учун барча қулайликларга эга қўшимча телемарказ биноси тикланди. Телемарказ Германиянинг "Siemens" дастурига биноан "SX" телевидеоаппаратуралари билан таъмирланди.

Радио вилоят телерадиоканали орасида биринчи бўлиб 2004 йилгик "FM" тизимига уланди. 2015 йилда эса телерадиоканал замонавий рақамли форматга ўтиб ишларни аяқланди. Авваллари кунига икки соатгина эшиттиришлар берилган бўлса, ҳозир "Олтин замин" радиоканали орқали кунига 18 соатлик эшиттиришлар тинглочлар хўлимига ҳавола этиляпти.

Вилоят телевидениеси 1990 йилнинг 17 октябрида бир соатлик курсатувни ўта қийинчилик билан эфирга узатган эди. Бугунги кунга келиб курсатувлар ҳажми 18 соатдан ҳам ошиб кетди. Каминанга маҳаллий телерадиостанциялар бошқармасида бошлиқ бўлиб ишлаган йилларимда бошқа вилоятларга қараганда яқин ҳамкасб укам раҳбарлик қилаётган Наманганда тез-тез бўлиб турар эдим. Яширмаман, бу иш Муҳаммадҷоннинг кўнглимга яқин бўлганлиги туфайли бўлади. Телерадиода амалга оширилган бунёдкорлик ишларидан ҳайратда қолдим. Радио уйи бутунлай замонавий қайта таъмирланди. Деярли ҳар бир ҳодима алоҳида хона, компьютер ва бошқа аппаратуралар, мебель жиҳозлари мўҳайфа этилган. 2000 йили фойдаланишга топширилган тўрт қаватли янги телемарказни айтмай-сизми? Марказ бутунлай янгиланган.

Ҳа, ҳайратдаман. Буларни кўриб туриб, компания расисига савол бериш, сўраб-суриштиришга тилим қалимга келмай қолди. Биноларни томоша қилиб, раиснинг хонасида бир пиёла яхна чойни қўлаганидан сўнг ўзимга келдим-да, унга мурожаат қилдим.

— Муҳаммадҷон, ҳақиқатан ҳам бу масканда амалга оширилган ишлар бехисоб. Кўп эмас, ўн йиллар чамасидаги ўзгаришларни ўзингиз айтмасангиз, каминанга ниҳоясига етолмайман. Менимча, энди марказий телевидениедан қолшимайдиган телеаппаратуралар мажмуасига эга бўлибсизлар, табриклиман. Демократикни, бу аппаратуралар ёрдамида Наманган ҳудудида ўтказиладиган расмий, маданий учрашувлар, форум ва фестивалларни тўғридан-тўғри марказга, ундан хорижий давлатларга трансляция қилиш мумкин.

— Тўғри айтдингиз, бунинг учун 8 камерали кўчма телевизион станция келтирилди. Аввалги "SD" видеокамералари ўрнига "HD" форматда тасвир олувчи видеокамера ҳамда кабелис микрофонлар билан таъминланди. 2020 йили эса мобиль "SIM" карталар орқали юртимизнинг исталган жойидан тўғридан-тўғри эфирга чиқиб имконига эга "awires" қурилмаси ҳамда бевосита "VPN" билан ишловчи техник қурилмалар сотиб олинди. Эсингизда бўлса, халқаро гуллар фестивали, футбол ва бошқа спорт мусобақалари, қатор расмий анжуманлар Наманган телевидениеси орқали бутун республикамизга узатилди.

— Муҳаммадҷон, уэр, гапингизни бўламан. Анави кўркам бино ҳам сизларга қарашлими? Радио уйига қўшни қилиб қурилибди.

— Бу бино жуда қисқа муддатда қуриб битказилди. 450 квадрат метрлик студия медиамаркази, қурилиш-монтаж ишларига деярли 9 миллиард 381 миллион сўм сарфланди. Шуниси фахрлики, медиамарказ Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг курсатималари ҳамда ёрдамлари билан қурилди. Бу медиамарказга ҳам саккиз камерали кўчма телевизион станция сотиб олинди. Бунинг учун республика бюджетидан 60 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди, деган сўз-дир.

Муҳаммадҷон Мақсудов билан амалдаги ишлар ҳақида суҳбатлашяпмиз-у, унинг кўзлари қувончдан янада, ич-ичидан фахр туйғулари жўш ураётганини сезаман. Унинг кўз қарашлари, нигоҳлари-ю сезилригидан, ҳар бир иш етти улчаб, тош-тарозисининг посангисини тўғрилаб олиб борилаётганини сезиш мумкин. Ахир қисқа муддат ичида кўз қувнайдиган ишларни кўриб, ҳар қандай кишининг кўнгли ёришадил-да! Ташаббускор ва ташкилотчи ихчамгина йилгитининг бу борада олиб-югурганлари, заҳмат чекканлари, асаблари тарангланганларини ўз бошидан ўтказганлар яхши туюшадил.

Муҳаммадҷон Мақсудов ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтди. Унинг салкам эллик йилдан буюн энг оғир ва мураккаб касбини угуллаб келаётгани доимо эътиборда. У яхши журналист ва талабчан раҳбар бўлиб етилди.

Раҳбарлик ҳам буюк санъат экан. Раҳбар етуқ ақл-идрок эгаси бўлмас экан, маневрини яхши кўрмаса йўловчи сингари кўп адашди. Натижада жамоа ўртасида норозилик, бошбошоқлик, тартибсизлик кучаяди, атрофдагиларнинг онгу шуурини харқлаш ўрнига зангланди. Буни ақл-шуури билан тушунган укаимиз, мана ўттиз йилдики, Наманган вилояти телерадиоси жамоасида аҳиллик, ҳар бир ишни кенгашли ҳолда бажариш таомилига амал қилиб келмоқда.

1974 йили оддий овоз ёзиш операторлигидан иш бошлаган қаҳрамонимиз меҳнатда тобланиб, тажрибали журналист, етуқ раҳбар, сифатчи ароб даражасига эришди. У Ўзбекистон Олий Мақлиси Сенатининг аъзоси сифатида қабул қилинган долзарб қонунларга ўз ҳиссасини қўшди, у "Меҳнаткаш сенатор" кўркак нишонига сазовор бўлди.

Унинг ижодий ҳамда ташкилотчилик ишлари муносиб баҳоланаётганидан қувонаман. 2012 йилда "Олтин қалам" халқаро миллий мукофоти, 2013 йили Президентимизнинг фармони билан "Меҳнат шуҳрати" орденининг соҳиби бўлди. 2022 йили эса биринчи даражали "Меҳнат фахрийси" кўркак нишони, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист" унвонига сазовор бўлди. Шунингдек, халқ депутатлари Наманган вилояти кенгаши депутатлигига сайланди.

Муҳаммадҷон Мақсудов катталарнинг ўғитларига амал қилиб, хокисорлик билан ишлаётган устозлардан бирига айланган қалби пок инсонлардан. У меҳнат фаолияти давомида ўттизга яқин йилгит-қизларнинг етуқ журналист, раҳбар даражасига етишишлариға мураббийлик қилди. Уларнинг кўпчилиги ЎзМТФ тизимида ишлаб, элга танилдилар, давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлдилар. Устоз шоғирдларининг амалии кўриб фахрланди, уларнинг ютуқлари унга ғурур ва мамнуният бағишлайди. Турли соҳада ўрнатқ кўрсатиб ишлаётган шоғирдларидан кўнгли қувончга тўлади.

М.Мақсудов оилапарвар инсондир. Турмуш ўртоғи Манзураҳон билан икки ўғил ва бир қизни Янги Ўзбекистонимиз корига ярайдиган жасур, инсонпарвар қилиб вояга етказдилар. Тўнғич ўғли Музаффар ҳарбий ҳуқуқшунос (ҳозир Наманган вилояти адлия бошқармасининг етуқ мутахассиси), иккинчи ўғли Эминжон тинчликчим посбонлари — икки ишлар ходимларидан бири, кенжаси — Ноҳираҳон эса тиббиёт ходими. Бир неча набираларининг бобоси "уновни"га муяссар бўлиш унга туганмас бахт, завқ ва қувонч бағишлайди.

Саъдий айтганидек:  
*Кимки шоеврилди чин дилидан шод,  
Бир кун иши ҳам бўлиси ушод.*

Абдусамд ИСОҚОВ,  
Ўзбекистон Журналистлар уюшмасы аъзоси.

**ХОРИЖ**

## УКРАИНА БМТДА ЯНА РОССИЯ МАСАЛАСИНИ КЎТАРДИ

Украинанинг БМТдаги доимий вакили Андрей Мельник Россия ҳарбийларини БМТнинг тинчлик-парварлик ва полиция миссияларида иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш таклифининг илгари сурди. Унинг фикрича, Украина ҳудудида содир этилган жинсий зўравонлик ҳолатлари ҳақидаги ҳисоботлардан сўнг Россия қуроли қучлари БМТ байроғи остидаги операцияларда қатнашмаслиги керак.



8 июнь кун БМТ Хавфсизлик Кенгашининг давқулода йилгилишида сўзга чиққан Мельник БМТ Бош қотиби томонидан қуросли можаролар билан боғлиқ жинсий зўравонлик ҳолатлари учун махсус рўйхатга киритилган ҳарбий тузилмаларга ташкилот номидан фаолият юритиш имкони берилмаслиги лозимлигини таъкидлади.

Украина вакили ўз нутқида Россиянинг БМТдаги иштироки масаласига ҳам тўхталиб ўтди. Унинг айтишича, агар Москва БМТ Бош Ассамблеяси қарорлари ҳамда ташкилот институтлари ҳулосаларини мунтазам равишда инкор этишда давом этса, БМТ аъзоллигини қайта кўриб чиқиши ва ташкилотдан чиқиш ҳақида ўйлаб кўриши мумкин.

Киев мазкур баёнотларни Россиянинг халқаро майдондаги масъулияти ва БМТ таомиллариға муносабати билан боғлаб баҳоламақда.

## ТРАМП НЕТАНЬЯХУНИ ЭЪТИЎТКОРЛИККА ЧАҚИРДИ

АҚШ президенти Дональд Трамп Исроил бош вазири Биньямин Нетаньяхунни Эрон билан боғлиқ ҳаракатларда ваазинлик сақлашга чақирди. Унинг айтишича, ваазит янада кескинлашса, Исроил АҚШнинг тўлиқ қўллаб-қувватловисиз қолиши мумкин.



Трамп бу ҳақда Исроилнинг "Н12" телеканалига берган интервьюсига маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, АҚШ ва Эрон ўртасидаги музокараларда воситачилик қилаётган бир қатор давлатлар Вашингтондан Нетаньяхуға таъсир ўтказишни сўраган.

АҚШ раҳбари Вашингтон Техрон билан дипломатик келишувга эришиш тарафдорни эканини, Эрон ҳам бундай битумдан манфаатдорлигини таъкидлаган.

Маълумки, 7 июнь кун кечкурун Эрон томонидан Исроилга ракета зарбалари берилди. Бу ҳужум Исроил армиясининг Байрут атрофидаги "Хизбуллоҳ" объектига берган зарбалардан кўп ўтмай содир бўлди. Исроил ҳарбийлари ракеталарнинг бир қисми ҳавода йўқ қилингани ва жаовоб чоралари қурилганини маълум қилди.

8 июнь тонгда Трамп Нетаньяху билан икки марта телефон орқали мулоқот қилди. Шундан сўнг Исроил Эрон ҳудудиға зарбаларни тўхтатгани, аммо Ливандаги ҳарбий операциялар давом этиши билдирилди.

## СУНЪЙ ИНТЕЛЛЕКТ СУВ ТАҢҚИСЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШИ МУМКИН

Сунъий интеллект технологияларини қўллаб-қувватлайдиган маълумотлар марказлари 2030 йилга бориб 1,3 миллиард инсоннинг қундайлик эҳтиёжлари учун зарур бўлган ҳажмда сув истезьмол қилиши мумкин. Бу ҳақда БМТ университети ҳузуридида Сув ресурслари, атроф-муҳит ва саломатлик институти маълум қилди.



Тадқиқотчилар ҳисоб-китобларига кўра, 2030 йилда сунъий интеллект инфратузилмасини таъминлайдиган глобал маълумотлар марказларининг электр энергияси истезьмол 945 тераватт-соатга етади. Бу кўрсаткич аҳолиси 650 миллиондан ортиқ бўлган Локистон, Бангладеш ва Нигериянинг умумий йиллик электр истезьмолдан қарийб уч баравар юқори.

Маълумотларға кўра, 2025 йилда дунё бўйлаб маълумотлар марказлари 448 тераватт-соат электр энергияси сарфлаган. Агар улар алоҳида давлат сифатида баҳолаганда, электр энергияси истезьмол бўйича Франциядан кейин ва Саудия Арабистонидан олдин жойлашиб, дунёда 11-урини эгаллаган бўлар эди.

Мутахассислар сунъий интеллект соҳасининг жадал ўсиши энергия ва сув ресурсларига бўлган босимни янада кучайтириши мумкинлигидан огоҳлантирмоқда.

Интернет хабарлари асосида  
Муҳаммадсодиқ ТўРАЕВ тайёрлади.

ЭЪТИРОФ

# ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТ ЭЪТИБОРИГА ТУШГАН УНИВЕРСИТЕТ

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети “European Association of Establishments for Veterinary Education” (“EAEVE”) ташкилотининг “Associate Member” (Ассоциация аъзоси) мақомига эга бўлди.



Тарихга назар ташласак, 1929 йилда ташкил этилган Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти негиздаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПҚ-3703-сонли қарорига мувофиқ Самарқанд ветеринария медицинаси институти ташкил этилди. Мазкур қарор мамлакатимизда ветеринария соҳаси учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва соҳанинг замонавий талабларга мос инфратузилмасини шакллантиришда муҳим босқич бўлди.

Кейинги йилларда институт томонидан ветеринария, чорвачилик, озиқ-овқат хавфсизлиги ва биотехнология соҳаларида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, таълим жараёни халқаро стандартлар асосида такомиллаштирилди, хорижий олий таълим муассасалари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик кенгайтирилди, қўшма таълим дастурлари ва халқаро илмий лойиҳалар йўлга қўйилди.

Ушбу ютуқлар ва соҳанинг стратегик аҳамиятини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 мартдаги ПҚ-187-сонли қарорига мувофиқ институт Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетига айлантирилди. Университет мақомининг берилиши нафақат таълим йўналишлари ва илмий салоҳиятнинг кенгайганини, балки муассасанинг миллий ва халқаро миқёсдаги нуфузи изчил ортиб бораётганини ҳам аниқлатади.

Хусусан, 2024 йилда Жаҳон ҳайвонлар саломатлиги ташкилоти (ЖХСТ, “WOAH”)нинг 100 йиллик юбилеи доирасида ўтказилган халқаро форумлар, академиклар форуми, халқаро ёзги мактаблар ҳамда турли илмий-амалий тадбирларда университет фаол иштирок этиб, ўзининг халқаро майдондаги ўрни янада мустаҳкамлади.

Бугунги кунда университет ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнология соҳаларида Марказий Осиёдаги етакчи таълим ва илмий марказлардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Албатта, бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Президентимиз томонидан сўнгги 8 йил ичида ветеринария хизматининг долзарб масалаларига, шу жумладан, ветеринария соҳаси учун кадрлар тайёрлаш масалаларига бағишланган бир қатор қарор, фармон ва фармойишлар қабул қилинганлиги ҳамда ушбу меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифалар амалиётда ўз ижросини топаётганлигидан далолатдир. Айтиш жоизки, университетда ветеринария, чорвачилик ҳамда озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида етакчи малакали кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, ветеринария таълимини жаҳон стандартлари даражасида ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Ушбу режага асосан университет бир қатор хорижий нуфузли университетлар, компания ва ташкилотлар билан таълим, илм-фан ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликда лойиҳалар амалга ошириб келмоқда.

Шундай лойиҳалардан бири Америка



Қўшма Штатларнинг Миннесота университети билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Твиннинг” дастури ҳисобланади. Лойиҳанинг асосий мақсади Ўзбекистонда ветеринария таълимини Жаҳон ҳайвонлар саломатлиги ташкилоти (ЖХСТ, “WOAH”) талаблари асосида такомиллаштириш, “Ветеринария медицинаси” таълим йўналиши бўйича ўқув дастурларини халқаро стандартларга мослаштириш ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг малакасини оширишдан иборат.

Лойиҳадаги хорижий ҳамкоримиз Миннесота университети қошида фаолият юритувчи Ҳайвонлар саломатлиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги маркази ҳисобланади. Ушбу марказ Жаҳон ҳайвонлар саломатлиги ташкилоти буюртмаси асосида ривожланаётган давлатларда ветеринария таълимини халқаро талаблар даражасида ташкил этиш, таълим сифатини ошириш ва профессор-ўқитувчилар малакасини юксалтириш бўйича кўмак бериб келмоқда.

Лойиҳа 2021 йилда бошланган бўлиб, дастлаб Миннесота университети делегацияси вакиллари — марказ директорининг ўринбосари Мария Сол Перез ҳамда таълим бўйича мутахассис Кетрин Обрайн университетга ташриф буюрдилар. Ташриф давомида улар “Ветеринария медицинаси” таълим йўналиши бўйича ўқув жараёни, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, таълим сифати ва талабалар билимининг баҳолаш тизими билан атрофлича танишдилар.

Шундан сўнг университет профессор-ўқитувчиларидан иборат илмий гуруҳ ташкил қилиниб, хорижий мутахассисларнинг тавсиялари асосида ветеринария таълими тизимини халқаро стандартларга мувофиқ таълим йўналиши бўйича ўқув жараёни, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, таълим сифати ва талабалар билимининг баҳолаш тизими билан атрофлича танишдилар.

Шунингдек, АҚШ Ветеринария тиббиёти ассоциацияси (“AVMA”), Европа ветеринария таълими муассасалари ассоциацияси (“EAEVE”) талаблари ҳамда дунёнинг етакчи ветеринария университетлари тажрибалари асосида “Ветеринария медицинаси” таълим йўналишининг такомиллаштирилган 5 йиллик ўқув режаси ишлаб чиқилди ва 2022 йилдан бошлаб таълим жараёнига жорий этилди.

Бугунги кунда университетда ветеринария соҳаси учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида 5 йиллик бакалаврият ва 2 йиллик магистратурадан иборат узлуксиз таълим тизими амал қилмоқда. Натижада талабалар 7 йил давомида чуқур назарий билимлар, мустаҳкам амалий кўникмалар ва клиник тажрибага эга бўлиб, халқаро стандартларга жавоб берадиган рақобатбардош ветеринария врачлари сифатида шаклланишмоқдалар.

Европа ветеринария таълими муассасалари ассоциацияси (“EAEVE”) ветеринария таълими сифатини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш ва баҳолаш билан шуғулланувчи энг нуфузли халқаро ташкилотлардан бири ҳисобланади. Ассоциациянинг асосий вазифаси ветеринария олий таълим муассасаларида таълим сифати, илмий фаолият, клиник тайёргарлик, лаборатория базаси, моддий-техник таъминот

ва бошқарув тизимларини Европа стандартлари асосида баҳолашдан иборат.

“EAEVE” таркибига Европа ва дунёнинг бошқа мамлакатларидаги кўплаб ветеринария университетлари аъзо бўлиб, ташкилот ветеринария таълимининг халқаро миқёсдаги сифат кафолати тизими сифатида тан олинади.

Хўш, Ассоциацияга аъзолик университетга нима беради? “EAEVE”га аъзо бўлиш университет учун қатор муҳим стратегик имкониятларни яратди. Жумладан, университетда ветеринария таълимининг сифати халқаро экспертлар томонидан эътироф этилди ва таълим жараёнининг Европа стандартларига мослиги тасдиқланди. Университетнинг халқаро нуфузи ва рақобатбардошлиги сезиларли даражада ортди. Бу эса хорижий ҳамкорлар, талабалар ва инвесторларнинг қизиқишини кучайтиради. Шунингдек, профессор-ўқитувчилар ва талабалар учун академик алмашинув дастурларида иштирок этиш имкониятлари кенгайди. “Erasmus+”, “Horizon Europe” ва бошқа халқаро таълим ҳамда илмий дастурлар доирасидаги ҳамкорлик учун янги истиқболлар очилади.

Қолаверса, битирувчиларнинг халқаро меҳнат бозоридagi рақобатбардошлиги ошади, уларнинг хорижий магистратура ва докторантура дастурларида таҳсил олиши учун қўшимча имкониятлар яратилади. Университет ветеринария таълими ва илм-фани бўйича халқаро ҳамкорлик тармоғини кенгайтириш имкониятига эга бўлади.

Мазкур ютуқ нафақат университет, балки Ўзбекистон ветеринария таълим тизимининг халқаро майдондаги нуфузини оширишга хизмат қилади.

Албатта, Ассоциацияга аъзо бўлиш учун университет томонидан кенг қўламли ва тизимли ишлар амалга оширилди. Аввало, “EAEVE” экспертлари томонидан ўтказилган баҳолаш жараёнига тайёргарлик 2022 йилдан бошлаб босқичма-босқич йўлга қўйилди. Бу жараёнда таълим дастурлари ва ўқув режалари халқаро талаблар асосида такомиллаштирилди, амалий ва клиник тайёргарлик кучайтирилди, замонавий лабораториялар ҳамда илмий марказлар ташкил этилди, ветеринария клиникалари фаолияти кенгайтирилди.

Университетнинг “EAEVE” (“European Association of Establishments for Veterinary Education”) тизимига интеграциялашув жараёнининг муҳим босқичи сифатида 2025 йилда Ассоциацияга аъзолик учун расмий ариза топширилди. Шундан сўнг университетда “EAEVE” ва “ESEVT” (“European System of Evaluation of Veterinary Training”) талабларига мувофиқ кенг қамровли тайёргарлик ишлари изчил давом эттирилди.

2026 йилнинг 14-15 январь кунлари “ESEVT/EAEVE” директори, профессор Пьер Лекё университетга ташриф буюриб, таълим жараёни, илмий-тадқиқот фаолияти, клиник база, моддий-техник таъминот ва бошқарув тизимини атрофлича ўрганди ҳамда тегишли тавсиялар берди. Ушбу ташриф натижалари асосида университетда халқаро стандартларга мувофиқ қатор қўшимча такомиллаштириш ишлари амалга оширилди.

Навбатдаги муҳим босқич сифатида 2026 йилнинг 27-30 апрель кунлари “EAEVE” томонидан тайинланган икки нафар халқаро эксперт университетга ташриф буюриб, тўрт кун давомида таълим сифати, ўқув дастурлари, талабалар тайёргарлиги, клиник фаолият, илмий ишлар, инфратузилма ҳамда сифат менежменти тизимини “EAEVE” ва “ESEVT” мезонлари асосида ҳар томонлама баҳолади. Шунингдек, “Day One Competences ва One Health” тамойиллари таълим жараёнига босқичма-босқич жорий қилиниб, сифат менежменти тизими такомиллаштирилди ҳамда “ESEVT” талаблари асосида кенг қамровли “Self Evaluation Report” (“SER”) тайёрланди. Баҳолаш якунлари бўйича экспертлар томонидан тайёрланган расмий хулосалар “EAEVE” офисига тақдим этилди.

Олиб борилган тизимли ишлар ва халқаро экспертларнинг ижобий хулосалари натижасида университет “EAEVE” томонидан муваффақиятли баҳоланди. Жорий йилнинг 28 май куни Испаниянинг Барселона шаҳрида бўлиб ўтган “EAEVE”нинг 39-Бош Ассамблеяси доирасида Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети “Associate Member” (Ассоциация аъзоси) мақоми берилди ҳамда тегишли сертификат тантанали равишда топширилди.

Мазкур ютуқ университетда сўнгги йилларда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар, таълим сифатини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, замонавий илмий ва клиник инфратузилмани ривожлантириш ҳамда ветеринария таълимини янги босқичга олиб чиқиш йўлидаги изчил саъй-ҳаракатларнинг амалий натижаси бўлди.

Айни пайтда университет олдида “EAEVE” экспертлари томонидан берилган тавсияларни босқичма-босқич амалга ошириш ва ветеринария таълими сифатини янада юқори босқичга кўтариш вазифаси турибди. Келгусида ветеринария клиникалари янада ривожлантириш, илмий-тадқиқот инфратузилмасини такомиллаштириш, халқаро илмий лойиҳалар сонини кўпайтириш, хорижий профессор ва мутахассисларни кенг жалб этиш, қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш, талабаларнинг амалий тайёргарлигини кучайтириш, рақамли таълим технологияларини кенг жорий этиш ҳамда ветеринария таълимининг халқаро стандартларга тўлиқ мослигини таъминлаш бўйича ишлар изчил давом эттирилади.

Умуман олганда, университет жамоасининг стратегик мақсади ветеринария таълими ва илм-фани соҳасида халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган, замонавий, инновацион ва рақобатбардош таълим муассасасини шакллантириш ҳамда Самарқандни Марказий Осиёнинг ветеринария таълими ва илмий тадқиқотлар марказларидан бири сифатида ривожлантиришдан иборатдир.

Худайназар ЮНУСОВ,  
Самарқанд давлат ветеринария  
медицинаси, чорвачилик ва  
биотехнологиялар университети  
ректори, профессор.





